

Иш рақами 1-1601-2101/1270

Биринчи инстанцияда раислик
қилган судья - Б.Таваккалов

Апелляция инстанциясида
маърузачи судья-Ш.Ахмедов

**НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНING
АЖРИМИ**

2022 йил март ойининг 29 куни, Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси ўз биносида, видеоконференцалоқа тизими орқали ўтказилган очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ш.Ахмедов, ҳайъат судьялари Б.Бабамирзаева ва Ж.Курбановдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Байхановнинг котиблигида, тарафлардан Наманган вилояти прокуратураси бўлим прокурори И.Алиматов, судланган [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси - адвокат О.Азимов, жабрланувчи [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] оид жиноят ишини унинг апелляция шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2022 йил 10 февралдаги ҳукмига кўра:

[REDACTED] Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали нафар фарзанди бор, ишламаган, муқаддам судланмаган, [REDACTED], қамокқа олиш эҳтиёт чораси қўлланган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Судланган [REDACTED] жабрланувчи [REDACTED] 24.840.000 сўм ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, [REDACTED] ўзганинг мол-мулкани алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил июнь ойида [REDACTED] алдаб, уни ишончига кириб, унга Наманган шаҳридаги кўп қаватли уйлардан олиб беришини айтиб алдаб, ишончига кириб [REDACTED]”да 19.500.000 сўмини;

2021 йил 9 июль [REDACTED] яхши кўриб қолгани, унга шарий никоҳ асосида уйланишини айтиб, уни алдаб, нархи 3.840.000 сўмлик бир дона “Samsung galaxy A-31” русумли телефон аппарати ва бир дона нархи 3.000.000 сўмлик “Лейла” номли тилло сирғасини такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда айбли деб топилган.

Судланган [REDACTED] шикоятда, суднинг ҳукми билан жабрланувчи [REDACTED] ундирилиши белгиланган 24.840.000 сўм моддий зарар тўлиқ қоплангани сабабли, суд ҳукмини ўзгартириб, енгиллик беришни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья Ш.Ахмедовнинг маърузасини, судланган [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси О.Азимовнинг шикоятни қаноатлантириш, жабрланувчи [REDACTED], прокурор И.Алиматовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантиришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги вазжаларни жиноят иши ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланган [REDACTED] суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг қилмишига тўла иқдорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчи [REDACTED] суддаги унинг айбини тўлиқ фош этувчи кўрсатувлари, жиноят ишидаги ариза, тушунтириш хатлари, юзлаштириш баённомаси ҳамда ишда тўпланган ва судда текширилган бошқа далиллар мажмуи билан исботланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин кўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериши, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият бериши;

4-бандида фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши, фирибгарликда ёлғон маълумотларга жабрланувчини янглиштиришга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатлар, жумладан, юридик факт ва воқеалар, мулкнинг сифати, нархи, айбдорнинг шахси, унинг ваколоти, нияти (масалан, айбдор шахс ўзини мансабдор шахс ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида кўрсатиши) тааллуқли бўлиши мумкинлиги;

5-бандида фирибгарликда ишончни суиистеъмол қилиш деганда, айбдорнинг мулкдор, мулкнинг бошқа эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бошқа шахслар билан ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилиши лозимлиги;

7-бандида мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилиши тушунтирилган.

Суд, [REDACTED] алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан жабрланувчи [REDACTED] алдаб, уни ишончига кириб, 19.500.000 сўм пулларини шунингдек, нархи 3.840.000 сўмлик бир дона “Samsung galaxy A-31” русумли телефон аппарати ва бир дона нархи 3.000.000 сўмлик “Лейла” номли тилло сирғасини такроран фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда ифоданган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилиб, унга нисбатан жазо тайинлашда қонун талаби ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори 3-бандидаги, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларга амал қилиб, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олган ҳолда судланган [REDACTED] унинг айбига тўлиқ иқдорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, [REDACTED] нафар фарзанди борлиги, судланмаганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятни ғараз ниятда содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолаб, жиноят оқибатида жабрланувчига етказилган моддий зарар қопланмаганлигини инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмас деган қатъий хулосага келиб, ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми санкциясида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлса-да, уни мансабдор шахс эмаслиги, содир қилган жиноятлари мансаб билан боғлиқ эмаслиги сабабли, ЖКнинг 45-моддасини қўлламаслик учун 57-моддасини қўллаб, унга озодликдан маҳрум қилиш жазосини муайян ҳуқуқдан маҳрум этмаган ҳолда тайинлаш ҳақида тўғри ва асосли хулосага келган.

Судланган [REDACTED] моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли, суд ҳукмини ўзгартириб, енгиллик бериш ҳақидаги важи:

ўзининг апелляция инстанцияси судидаги, айбига тўла иқдорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган моддий зарарни оила аъзолари қоплашларини айтишгани учун, апелляция шикояти ёзгани, бироқ оила аъзоларида зарарни қоплаш имкони бўлмагани ҳақидаги;

жабрланувчи [REDACTED] апелляция инстанцияси судидаги, [REDACTED] уни алдаб, ишончига кириб, 19.500.000 сўм пулларини шунингдек, нархи 3.840.000 сўмлик бир дона “Samsung galaxy A-31” русумли телефон аппарати ва бир дона нархи 3.000.000 сўмлик “Лейла” номли тилло сирғасини олиб қўйгани, судланувчи унга етказилган моддий зарарнинг 24.840.000 сўм қисмини қопламагани, моддий зарарни ундириб, унга қонуний чора кўришни сўраши ҳақидаги кўрсатуви билан рад қилинади.

Шунга кўра, судлов ҳайъати [REDACTED] суд ҳукмини ўзгартириб, енгиллик бериш ҳақидаги важлари билан келишмасликни, суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497¹³, 497¹⁶, 497¹⁷, 497²⁵, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л д и:

Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2022 йил 10 февралдаги [REDACTED] нисбатан чиқарган ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти эса қаноатлантиришсиз қолдирилсин.

Раислик қилувчи:
ҳайъат судьялари:

имзо
имзо
имзо

Ш.Ахмедов
Б.Бабамирзаева
Ж.Курбанов

**“Ажрим нусхаси аслига тўғри”
Наманган вилоят судининг
жиноят ишлари бўйича судьяси**

Ш.Ахмедов